ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Педагогик тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Pedagogical Research

2020/6 (50)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА
Серия: Педагогик тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 17 августда
1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 21.09.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

“Муҳаррир” нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳрир ҳайъати раиси:

Азимова Зиёда Эргашевна – педагогика фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Таҳрир ҳайъати

Қуронов Муҳаммаджон – педагогика фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Юсупова Шохида Жалолиддиновна – педагогика фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)

Хайдаров Маматжон Эшқулович – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Жумаев Маманазар Иргашевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Исаев Илья Фёдорович – педагогика фанлари доктори, профессор (Бельгород, Россия)

Асука Кавано – педагогика фанлари доктори (PhD) (Нагоя, Япония)

Алиева Шаҳло – педагогика фанлари доктори (Боку, Озарбайжон)

Жумабаева Азия Елеупановна – педагогика фанлари доктори, профессор (Остана, Қозоғистон)

Бичурина Сеимбика Усмоновна – педагогика фанлари номзоди, доцент (Казан, Россия)

Муҳаррир:

Д.Ҳ.Қуронов
филология фанлари доктори, профессор

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129. Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ

З.Э.АЗИМОВА, М.К.БАКИЕВА
Қизларда ижтимоий фаол шахс сифатларини шакллантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш (Parents.com сайти материаллари мисолида) 5

Қ.А.ҚАДИРОВ
Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий-педагогик модернизацияси хусусида 16

И.Н.САЙДАЛИЕВ
Замонавий муҳандисларни тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқариш синергетик интеграциясининг аҳамияти ва истиқболлари 25

Н.Д.АҲМЕДОВА
Талабаларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш ижтимоий-педагогик масала сифатида 36

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Я.УМАРОВА, Д.НЕЪМАТОВА
Умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолати таҳлили 47

A.AXLIMIRZAYEV, T.S.NISHONOV
Ehtimollar nazariyasi fanidan amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish bo‘yicha ba’zi bir mulohazalar 58

ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯ

A.U.ABDIYEV
Andragogik ta’limda gender muammolari 70

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

М.Ш.РАҲМОНОВ
Видеомашғулотларнинг дарс самарадорлигига ижобий таъсири ва зарурий тавсиялар 79

CONTENTS

PEDAGOGY

THEORY OF PEDAGOGICS

Z.E.AZIMOVA, M.K.BAKIYEVA
From the foreign experience of the methodology of education of socio-active personality in girls (on the example of site materials Parents.com) 5

K.A.KADIROV
Organizational and pedagogical of issues spiritual and educational work in the higher education system 16

I.N.SAYDALIEV
The importance and prospects of synergetic integration of higher education and development in the training of modern engineers 25

N.D.AHMEDOVA
Development of professional-spiritual qualities at students-socio-pedagogical problem 36

THEORY AND METHODS OF EDUCATION AND UPBRINGING

Ya.T.UMAROVA, D.NE'MATOVA
Analysis of the current state of language competence of secondary school students 47

A.AKHLIMIRZAEV, T.S.NISHONOV
Some considerations on the organization of practical lessons on probability theory 58

PEDAGOGIC SOCIOLOGY

A.U.ABDIEV
Gender issues in andragogy 70

THEORY AND METHODS OF E-LEARNING

M.Sh.RAHMONOV
Positive impact of video classes on lesson efficiency and necessary recommendations 79

УДК 371.672.6

ВИДЕОМАШҒУЛОТЛАРНИНГ ДАРС САМАРАДОРЛИГИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИРИ ВА ЗАРУРИЙ ТАВСИЯЛАР

М.Ш. Раҳмонов

Мақолада бугунги кунда фанларни ўқитишда энг муҳим восита бўлган ўқитишнинг техник воситалари, ахборот технологиялари ва уларнинг қулайликлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада ўқув машғулотларида видеомашғулотлардан фойдаланишнинг ютуқлари, афзалликлари келтирилган. Видеомашғулотлар тайёрлаш учун муҳим тавсиялар баён этилган. Видеомашғулот тайёрлаш учун Camtasia Studio дастури тавсия этилиб, унинг имкониятлари баён қилинган. Тайёр бўлган лойиҳани нашр этиш вазиятлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: *ўқитишнинг техник воситалари, таълимда ахборот технологиялари, видеомашғулот, видеотаълим, видеосценарий, аудио, видео дастурий воситалар, Camtasia Studio, видеомонтаж.*

В статье рассматриваются технические средства обучения, компьютерные технологии и представляемые ими возможности и удобства. Также освещаются преимущества использования видеоуроков в процессе обучения. Разработаны практические рекоммендации по подготовке видеоуроков. Для подготовки видеоуроков рекомендовано программное обеспечение Camtasia Studio, а также описаны его возможности. Приведены обстоятельства публикации готового проекта.

Ключевые слова: *технические средства обучения, компьютерные технологии в образовании, видеоуроки, видеообразование, видеосценарий, аудио, видео программное обеспечение, Camtasia Studio, редактирование видео.*

Бугунги кунда таълим жараёнларида барча ёшдаги ўқувчилар учун турли фанларда ахборот технологияларининг татбиқларини кўриш мумкин. Ахборот технологияларини татбиқ этиш ёрдамида ўқувчилар фанларни яхши ўзлаштириб боришмоқда. Шу билан бирга, ахборот технологиялари ўқитувчи ва ўқувчилар учун катта имконият эшикларини очиб бермоқда.

Ўқитишнинг техник воситалари – ахборотларни тақдим этиш ва қайта ишлаш мақсадида уни оптималлаштириш учун таълим-тарбия жараёнида қўллаш, дидактик таъминотли техник воситалар тўпламидир. Ўқитишнинг техник воситалари иккита асосий тушунчани бирлаштиради: техник таъминот (техник қисмлар) ва таълимнинг дидактик воситалари (ахборотларни ташувчи).

Ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ) ўзида бир нечта функцияларни қамраб олади: саволлар бериш, баён этиш, ўқиб бериш ва бошқа. ЎТВ ўқитувчининг нутқий билимларни автоматлаштириш ва қўшимча тилни ҳосил қилиш бўйича машаққатли меҳнатдан қисман озод қилади [1. Б. 114].

Ўқитишнинг техник воситалари ҳеч қачон ўқитувчи ёки касб устасининг ўрнини тўла эгаллай олмайди.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларни ташкил қилишда, машқлар бажаришида, ўқув материаллар билан танишишида ва ўқишнинг турли босқичларида ўқувчиларни мустақил таълим олишлари, аудиторияда аниқ машқларни ечиш учун ўқитувчи ЎТВ нинг мавжуд ҳар бир имкониятларини ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг янги мавзуни ўзлаштириши ва ўтилган мавзуни мустаҳкамлаши вақтида ўқитишнинг техник воситалари машғулотда олинган билимларни ўрганиш, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Замонавий таълим жараёнида ўқитишнинг турли методлари бўлиб, анъанавий методлардан ҳозирги замонавий ахборот технологияларигача улар сирасига киради [1. Б. 116].

Бугунги кунда таълим жараёнида қўлланилаётган ахборот технологияларидаги ўқиш ва ўрганиш учун махсус воситалар, дастурий таъминотлар электрон ўқув қўлланмалар, видеомашғулотлар, виртуал лаборатория ишларини яратиш учун катта имкониятларни яратиб берди. Шу сабабли бугунги кунда таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш орқали етарлича сифатли таълим беришга эришилмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ахборотларнинг ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда. Худди шу каби таълим соҳаси, фанлар доирасидаги ахборотлар ҳажми ҳам кенгайиб бормоқда. Бундай катта ахборотлар билан ишлаш шартларида таълим сифатини яхшилаш омилларидан бири ўқув жараёнини тўғри, оптимал ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолади. Шу билан бирга, ўқитувчилардан юксак касбий маҳорат, билим ва салоҳият талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизимидаги олий таълим босқичининг асосий вазифаларидан бири давлат таълим сифати талабларига мос равишда билим бериш ва талабаларларни келажакдаги касбий ҳаётга тайёрлашдан иборат. Таълимнинг олий таълим босқичида ўтилаётган мавзуларни қизиқарли бўлиши, шунингдек, таълим жараёнида ахборот технологияларни қўлланилиши педагог ўқитувчиларга боғлиқ бўлади. Афсуски, бугунги кунда аксарият педагоглар ўз фанларига ахборот технологияларини олиб кира олмаяптилар. Ўз фанларини ўқитишда замонавий дастурий воситаларни қўллай билмайдилар. Бу муаммо, албатта, ачинарли. Бугунги кун ўқитувчиси компьютернинг дастурий воситаларидан фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам мультимедиали, кўргазмали видеомашғулотларни тайёрлай олишлари шарт. Бунинг учун эса дастурий воситаларнинг имкониятларини ва унда ишлай олиш кўникмаларини эгаллашлари жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Бу ерда ахборот технологияларини қўллашнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини кенгайтириш ва очиб беришдан иборат. Бугунги замонавий таълимда компьютерлар назарий ва амалий дарсларда энг замонавий ахборот воситалари сифатида қўлланилмоқда.

Таълимда ахборот технологиялари орқали тайёрланган компьютер презентациялари, электрон луғатлар, маълумотномалар, турли жараёнларни моделлаштирган тажриба машғулотлари, дастур-тренежерлар, ностандарт тестлар, электрон дарсликлар, видеомашғулотлар тадбиқ этилмоқда.

Ўқув машғулотларни сифатли олиб бориш ўқитувчининг нутқи, кўргазмалилиги, ўқитишнинг турли техник воситаларини қўллашига боғлиқ бўлиб, қуйидаги дидактик имкониятларни ўз ичига олади:

- ахборот манба мавжудлиги;
- ўқув материални рационал шаклда етказиб бериш;
- ҳодисалар, жараёнлар, тушунчаларни аниқлаштириш, кўргазмалийлик даражаси-

ни ошириш;

- идрок қилиш, тушунишга йўналтиради ва ташкил этади;

- талабаларнинг қизиқувчанлигини таъминлайди ва дунёқарашини бойитади;

- талабаларнинг илмий, маданий қизиқишларига ва талабларига тўла жавоб беради;

- талабаларнинг ўқув ахборотларига жўшқинлиги, завқ-шавқини оширади ва ҳосил қилади [1. Б. 116].

Ўзбекистон таълим тизимида янги авлод ўқув дарсликлари, айниқса, информатика дарсликлари бугунги кунда жуда ҳам муаммоли вазифага айланган. Янги авлод ўқув дарсликларини яратишда, асосан, 3 та муҳим жиҳатга эътибор қаратилмоқда. Биринчиси – дарсликка янгича ёндашув, яъни бугунги меҳнат бозорининг талабларини ҳисобга олган ҳолда дарслик мазмунини янгилаш. Иккинчи жиҳати амалий ёндашув бўлиб, мавзуларни ёритишда, асосан, амалий машқлар, мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади. Учинчи жиҳат эса дарсликни ўқиш қулайлиги билан боғлиқ бўлиб, бунда рақамли технологиялар (анимацион, аудио, видео ахборотлар)дан фойдаланишдир.

Булардан энг долзарби видео ахборот воситаларидир. Бошқача айтганда, видеомашғулотлар деб ҳам аталади. Видеомашғулотлар ўқитилаётган ўқув материалларининг аудиторияда ва мустақил ўзлаштиришда жуда қизиқарли бўлишини таъминлайди, ўқув материалнинг осон ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Видеотаълимни масофавий таълим шаклида ҳам қўллаш мумкин.

Видеотаълим бирмунча олдин пайдо бўлди.

Ўқув материали нашрли ахборот шаклида берилганида 9%, аудиоёзув шаклида 17%, видеоахборот шаклида берилганида эса 51% га ўзлаштирилиши аниқланган. Катта самарадорлигига қарамасдан, бу метод техник ва молиявий сабаблар туфайли 2000 йилларгача кенг тарқала олмади. Шунингдек, бундай ахборотлар ташиш учун ахборот ташувчилар унчалик ривожланиб улгурмаган ва видеоахборотларни ишлатиш учун таълим тизимида етарли компьютер синфлари мавжуд эмас эди [4. Б. 12].

Бугунги кунда эса мобил телефонлар, ахборот технологиялари, видеокамералар яхши ривожланиб бормоқда. Видео, графика, овоз монтажни амалга оширувчи дастурлар ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳар қандай шахс озгина билим эвазига видео қобилиятларни ишга солмоқда. Айниқса, ҳозир барча фан ўқитувчилари ва ўқувчилар ўзларининг шахсий компьютерлари ва мобил телефонларига эга. Шунингдек, фан ўқитувчиси бирор ўқув материални бир кунда тайёрлаш учун бир неча марта такрорлашига тўғри келади. Агар бирор ўқувчи дарс машғулотига қатнаша олмаса, унга индивидуал тушунтириш ёки мустақил ўрганиш учун ўқув материалларини беришга тўғри келади. Бу муаммони ҳал этиш учун видеомашғулотлар энг оптимал ечим сифатида ёрдамга келади.

Видеомашғулот тайёрловчи дастурий воситалар жадвали [6. Б. 433].

Ном	Ишлаб чиқувчи	Дастур сайти	Ҳажм	Лицензия, нарх	Видео формат
Adobe Captivate	Adobe Systems	www.adobe.com/products/captivate	890 Мб	Proprietary, 34200 руб	SWF, HTML5, PDF, MP4, EXE

Camtasia Studio	TechSmith	www.techsmith.com/camtasia/	243 Мбт	Proprietary, 6400 руб	AVI, SWF, FLV, MOV, WMV, RM, GIF, CAMV, EXE
Jing	TechSmith	http://www.techsmith.com/jing.html	6,4 Мбт	Freeware	SWF, MP4
Bandicam	Bandisoft	http://www.bandicam.com/	6,7 Мбт	Proprietary, 1200 руб	MPEG-1
BB FlashBack	Blueberry Software	http://www.bbsoftware.co.uk/BBFlashBack/Home.aspx	12,7 Мбт	Proprietary, 3189 руб	AVI, FLV, MOV, P4 GIF, WMV, EXE
BB FlashBack Express	Blueberry Software	http://www.bbsoftware.co.uk/BBFlashBack_FreePlayer.aspx	11,9 Мбт	Freeware	AVI, FLV
CamStudio	CamStudio.org	http://camstudio.org/	4,3 Мбт	Open source	AVI, SWF
UVScreenCamera	UVsoftium	http://www.uvsoftium.ru/UVScreenCamera.php	3,4 Мбт	Proprietary, 500 руб	UVF, EXE,AVI, SWF, FLV, GIF
Экранная камера	AMS Software	http://screencam.ru/	55 Мб	Proprietary, 650 руб	AVI, MP4, MOV, MPG

Видеомашғулотларнинг таълим жараёнидаги ютуқлари:

- таълимнинг энг осон ва тез, самарали усули;
- бир вақтни ўзида аудиоахборот ва кўргазмалиликка эришиш;
- ҳаракатларни аниқ ва қадамли кўрсата олиш;
- яратиш, тайёрлаш, бажариш амалларининг кўргазмали бўлиши.

Ўз кўнима ва малакаларимиздан келиб чиқиб, сифатли ва яхши видеомашғулотлар тайёрлаш учун қуйидаги тавсияларга риоя этиш мақсадга мувофиқ:

- **Сценарий тайёрлаш.** Кўплаб видеомашғулот тайёрловчилар сценарийга амал қилмайди ва тезда съёмкани қизиқ жойига ўтишга ошиқади. Бу эса фойдаланувчи диққатини жалб қилмайди, балки шошқалоқликка олиб келади. Сценарий бўйича ишламаслик кўп вақт йўқотишга, ўқув аудиторияни етарлича ахборот билан таъминлай олмасликка, калитли вазиятлар йўқолишига олиб келади. Барча видеомашғулотлар учун бир хил формат танлаш зарур, айниқса, улар бир бўлимга тегишли бўлса. Шунинг учун сценарий ёзиш, видеодаги ҳаракатларни оптимал бошқариш учун маркерланган рўйхат тайёрлаш; тингловчига тушунарли бўлиши учун сценарийдаги сўзларни тўғри талаффуз қилиш лозим; ёзма нутқ баё-

нида оғзаки нутқ табиий бўлишига эътибор бериш; оғзаки нутқдаги баъзи сўзлар ёмон талаффуз қилинади, масалан, бирор ҳарф билан тугаган сўз ва шу ҳарф билан бошланган кейинги сўз талаффузи қоришиб кетмаслиги лозим. Сценарийда талаба учун зарур бўлган барча реквизит ва инструментларни кўрсатиб турувчи рўйхат тайёрлаш ва уни съёмка вақтида кўринарли жойга жойлаштириш.

• Видеомашғулотлар давомида қисқа ва аниқ мазмунли сўзлаш. Ҳозир ўқувчиларнинг интернет-видеомашғулотларда диққат концентрацияси жуда ёмон. Агар видео содда техника билан баён этилган бўлса, унинг давомийлигини 3-10 дақиқадан оширмаслик лозим. Агар мавзудаги билимлар кўп вақт ва иштирокни талаб қилса, 30 дақиқадан оширмаслик тавсия қилинади. Видеомашғулот 30 дақиқадан ортиб кетса, машғулотни 3-10 дақиқали қисмларга бўлиш учун керакли сегментларни топиш керак. Шунда ўқувчилар машғулот билан биргаликда бир оз дам олишга эришади.

• Аудио – энг муҳим. Видеомашғулотларда худди телевидениедаги сухондонлар каби жуда яхши сифатли овоз талаб қилинади. Айримлар ҳозиргача аудиториядаги сифатсиз видеони кечириши мумкин, бироқ сифатсиз аудио (овоз) ни кечирмайди. Видеоёзув вақтида сифатли микрофонни ишлатиш лозим. Ҳар доим замонавий бўлган ташқи микрофонларни ишлатиш даркор. Сифатли аудио видеоалмашув учун яхши критерия бўлади. Агар микрофон иш столидан узоқда жойлаштирилган бўлса, овоз сифатсиз ва паст ёзилади. Бугунги кунда соддароқ уй шароитига мос ташқи микрофонларни ҳамёнбоп нархларда сотиб олиш мумкин.

Оғзаки нутқ. Видеоёзув вақтида оғзаки нутқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, видеомашғулот сифатига таъсир этади. Видеоёзув жараёнида қандай жараён содир этилаётган бўлса, шунга мос равишда аниқ, содда ва лўнда нутқ ижроси жўрлиги таъминланиши керак. Видеомашғулотни тайёрлашнинг сценарий босқичида оғзаки нутқ ҳам олдиндан режалаштириши зарур бўлиб, шевадаги сўзларни ишлатмаслик, ўзбек тилида талаффуз қилиш эътиборга олинади. Агар видеоёзув жараёнида ўрганилаётган мавзудаги нутқий жумла хато айтилган бўлса, айнан шу хато нутқ қисмни қайта ёзиш ва монтаж вақтида хато (тўғри) жумла билан алмаштириш тавсия этилади. Агар хатолик олиб борилаётган мавзу мазмунини қўпол равишда бузишга олиб келмаса, хато қилинган нуқтни “Надписи” (субтитр) модули ёрдамида ёзма равишда тўғрилаш ҳам мумкин. Агар оғзаки нутқда ёритилаётган мавзуга оид маълумотлар нотўғри ёки ноаниқ бўлса, бу каби ахборотдан қочган маъқул. Чунки ўқувчи видеомашғулот шаклидаги материални ўзлаштираётган пайтда оғзаки нутққа ҳам катта эътибор беради. Натижада ўқувчида мавзуга оид нотўғри ёки ноаниқ маълумотлар ўзлашиб қолиш эҳтимоли юзага келади.

“Camtasia Studio” дастур имкониятлари. “Camtasia Studio” дастури-компьютер экранидаги ҳаракатни ёки иш столдаги бошқа ишларни тасвирга олиш учун мўлжалланган. Дастур иш столдаги барча ҳаракатларни, шунингдек, сичқон ҳаракатларини ҳам тасвирга олади [2. Б. 4].

Бугунги кунда видеомашғулот тайёрлаш учун турли дастурий воситалар жуда ҳам кўп бўлиб, улардан Camtasia Studio дастури энг кўп тарқалганидир. Ҳозирда дастурнинг 2018 версияси охирги версия бўлиб, олдинги версияларга нисбатан кўп қулайликларга эга. Дастурнинг русча версияси мавжуд бўлиб, мутлақо бепул ўрнатиш мумкин. Бу дастурни ишлатишда видеомашғулот тайёрлаш учун танлаган фойдаланувчилар адашмайди.

Чунки у содда интерфейс ва қулай инструментларга эга.

“Camtasia 2018” дастури ёрдамида видеомашғулотларни тез ва сифатли қилиб тайёрлаш мумкин. Дастур жуда яхши ишланган бўлиб, профессионал видеоларни ҳам тайёрлай олади. Биз касбий фаолиятимиз давомида кўплаб муҳаррирлар – Jing, Bandicam, Экранная Камера ва бошқаларни ишлатганмиз. Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, улардан энг қулай ва профессионали бу “Camtasia Studio” дастуридир. Қуйида дастурнинг қулайликлари ва ютуқлари билан танишамиз [3. Б. 15]:

- компьютер экранини тўла ёки бирор қисмини видеоёзувга олиш. Юқори сифатли видеоёзувга эришиш;
- видеоёзув вақтида “Screen Draw” модули ёрдамида фойдаланувчи эътиборини тортувчи турли инструментларни (қалам, соҳани тўртбурчакли, элипсли ажратиш, ичи бўялган тўртбурчакли ва элипсли ажратиш, стрелкалар, кесмалар) қўллаш имконияти;
- экрандаги сичқон кўрсаткичига турли эффектлар, овозлар бериш;
- олинган видеоёзув (скринкаст ёзув)ни профессионал даражада таҳрир қилиш;
- “Звуковые эффекты” модулида фондаги шовқинларни ўчириш, овозни кўтариш ва пасайтириш, овозни созлаш имкониятлари;
- “Анимация” модулида видеонинг зарур қисмларини турли масштабларда намойиш этиш ва тайёр шаблондаги анимациялардан фойдаланиш;
- “Библиотека” модулида турли клиплар, медиа материаллар, видеолар ва мусиқалар, фонлар жойлашади. Библиотекага жойлаштирилган медиа объектларни барча лойиҳаларда ишлатиш мумкин.
- “Надписи” модули видеомашғулотга субтитр ёзувлар қўйиш имконини беради.

Юқоридагилардан ташқари, жуда кўплаб имкониятлари ва қулайликлари мавжуд.

Бу дастурдан фойдаланиб, ўтиладиган фан доирасидаги мавзулар бўйича тематик видеомашғулотлар тайёрлаш мумкин. Ўқувчилар бу видеомашғулотлардан исталган жойда (уйда, ўқиш жойида) ва қулай шаклда (компьютерда, планшетда, мобил телефонда) фойдалана оладилар. Тайёрланган видеомашғулотлар мавзули равишда YouTube сайтидаги каналга жойлаб борилади. Видеомашғулотда ўқитувчи ўқув материалларни илмий асосда ва кўргазмали объектлар ёрдамида бера олади. Шунингдек, шундай ҳоллар бўладики, ўқитувчини алмаштиришга тўғри келади (масалан, касаллиги туфайли), бу вазиятда ҳам видеомашғулотлар маълум маънода педагогнинг ўрнини босиши мумкин.

Camtasia Studioда тайёр бўлган лойиҳани (проект) турли видео, аудио форматларда нашр қилиш мумкин. Шунингдек, видеомашғулотни YouTube сайтига ҳам тўғридан-тўғри жойлаш мумкин бўлади. Шунинг учун видеомашғулотларни тайёрлашда Camtasia Studio дастуридан фойдаланишни тавсия қиламиз.


Қуйида дастурнинг ишлаш босқичлари билан қисқача танишиб чиқамиз.

1. Camtasia Studio 2018 дастурини ўрнатамиз (https://www.filepuma.com/download/camtasia_studio_18.0.4.3822-20141/). Дастурни ўрнатиш бошқа дастурлар каби бажарилади. Фойдаланувчига қийинчилик туғдирмайди. Дастур ўрнагандан сўнг 2 та ярлик пайдо бўлади. “Camtasia Recorder 2018” ва “Camtasia 2018”.

2. Видеоёзувни бошлаш учун “Camtasia Recorder 2018” ярлик ишга туширилади.


3. Экран ўлчамларини танлаш учун “Full screen” ёки “Custom” бўлимларидан бири танланади.

4. Сўнгра ёзувни бошлаш учун “rec” кнопкаси босилади.



1-расм. Видеоёзувни бошлаш.

5. Машғулот тўла ёзилгандан сўнг видеоёзувни тўхтатиш учун “Stop” кнопка босилади ёки F10 клавиши босилади.



2-расм. Видеоёзув жараёнини қуриш.

6. Дастур видеоёзувни автоматик равишда Camtasia 2018 дастурида очади ва лойиҳани монтаж қилишга таклиф этилади.

7. Видеомашғулотга керакли таҳрирлашлар амалга оширилгандан сўнг у нашр (публикация) қилинади.


8. Бунинг учун “Вывод” менюсига кирилади ва заруратга кўра керакли форматлардан бири танланади.

9. Видеомашғулот ҳажмига кўра конвертация жараёни бир неча минут давом этади.

Лойиҳани таҳрирлаш (видеомонтаж). Бу жуда ҳам муҳим босқич бўлиб, видеомашғулот сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Видеоёзув амалга ошилгандан сўнг дастур бу видеоёзувни янги лойиҳага (Untitled Project*) автоматик равишда қўяди. Шундан сўнг таҳрирлаш ишлари бошланади. Таҳрирлаш вақтида экрандаги кичик объектлар баён этилаётган кадрларида “Масштабирование” ёрдамида катталаштирилади. Бунинг сабаби ўқувчи диққатини шу объектга қаратиш ва кўришни қулайлаштиришдан иборат бўлади. Ушбу объект тўғрисидаги кадрлар тугагандан сўнг масштаб яна ўз ҳолатига (100%) келтирилади. Видеомашғулотда муҳим бўлган объектлар ёки баён этилаётган объектлар “Примечание” модул таркибидаги инструментлар (“выноски”, “линии и стрелки”, “фигури”, “размытие и подсветка”, “анимированные эскизи”, “клавишнинг выноски”) ёрдамида экранга изоҳли матнлар, стрелкали кўрсаткичлар, экраннинг қайсидир қисмлари “ювиш”, функционал клавишларни кўрсатиш, тўртбурчак ёки элипс шаклдаги рамкалар ёрдамида фойдаланувчи эътиборини тортиш ишлари амалга оширилади.

Таҳрирлашдаги бу каби ишлар фойдаланувчи эътиборини керакли жойларга қаратиш, муҳим бўлган маълумотларни

бўрттириб кўрсатиш, муҳим маълумотларни экраннинг бирор қисмига маълум вақтгача намойиш этиш ишлари ҳам видеомашғулотни тушунарли ва содда бўлишига хизмат қилади.



3-расм. Эътиборни жалб қилувчи объектлар, “Примечания” бўлими.

Тайёр бўлган видеомашғулотни нашр этиш. Барча таҳрирлаш ишлари якунлангандан сўнг лойиҳани зарурий форматларда видеофайлга ўтказиш зарур. Дастур кенг имкониятли бўлгани сабабли тайёрланаётган видеофайлни тўғридан-тўғри YouTube, Vimeo, Google Drive сайтларига ва мобил телефон форматларида конвертация қилиш имкониятлари мавжуд. Нашр қилиш ишлари “Вывод” менюсида амалга оширилади.

Юқоридаги тафсилотлардан аён бўладики, бугунги кунда видеомашғулотлар сифатига эътиборни кучайтириш, ўқув предметининг барча бўлимлари бўйича видеомашғулотлар тайёрлаш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан эканлиги аён бўлади.

Интернет тармоғига видеомашғулотлар жойлаш, масофавий таълим учун видео материаллар тайёрлаш, шунингдек, интерактив видео роликлар тайёрлаш, қоғозсиз ўқув материалларга кўпроқ эътибор қаратиш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ўқувчилар, талабалар, ҳаттоки катта ёшдаги шахслар ҳам бирор маълумотга эга бўлиш, билимларини ошириш учун видео материалларга мурожаат қилмоқдалар. Олдинги вақтдаги каби қоғоздаги маълумотлар (айрим ҳужжатларни эътиборга олмаганда) билан ишлаш бугунги кун талабига деярли жавоб бера олмай қолди. Шунинг учун электрон версиядаги маълумотлар билан ишлаш, уларнинг сифатини яхшилаш, ўзбек тилидаги видеомашғулотлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги кун сайин аён бўлиб бормоқда.

Бугунги кундаги замонавий педагог ўзининг шахсий ўқув ишланмаларига эга бўлиши керак. Ўқитувчилар учун ўз ғоялари ва ресурслари орасида алмашинув имкониятларини яратиш зарур.

Таълим муассасаларида замонавий ўқитиш воситаларини самарали тадбиқ

этиш учун бу жараён барча ўқитувчилар учун содда бўлиши керак. Жуда кўплаб фан ўқитувчилари техник муаммоларига дуч келадилар, бу каби хусусий маълумот олишлар энг минимум бўлиши керак, айниқса, бу вазифа информатика ўқитувчиларида кўп юзага келади. Ўқитувчиларни энг юқори даражада техник қўллаб-қувватлаш таълим муассаларидаги компьютерлаштириш зарурлиги билан баҳоланади [5. Б. 575].

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, миллий тилимиздаги видеомашғулотлар сифатини яхшилаш, уларни ҳар бир фан ўқитувчиси ўзи мустақил равишда тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши, видеомашғулотлар тайёрловчи дастурий воситаларда ишлай олиши зарурлиги, тайёр ҳолдаги видеомашғулотларни интернет сайтларига жойлаб бориш кабиларга эътиборни кучайтириш зарур.

Адабиётлар:

1. *Тимошенкова О.А.* Использование видео-пособий на уроках как элемент повышения качества профессионального образования // Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения, 2013. – № 34. – С.114–117.

2. *Толокнов А.* Camtasia Studio 7 Подробное руководство. Screen-Camera.Ru, 2010. – 186 с.

3. *Раҳмонов М.Ш.* Camtasia Studio дастурида электрон дарслар яратиш технологияси (услубий қўлланма). – Андижон: АДУ, 2016. – 52 б.

4. *Раҳмонов М.Ш., Зиядуллаев Д.* Таълим тизимида скринкастинг технологияларини қўллаш // ТДПУ Илмий ахборотлари, 2016. – №3(8). – Б. 11–14.

5. *Чернова Е.П.* Особенности применения технических средств при организации процесса обучения // Педагогическое мастерство: теория и практика: Электронный сборник научных статей I Всероссийской заочной научно-практической конференции в 2 томах: Том 2. Тольятти: Тольяттинский политехнический колледж, 2018. – С. 569–576.

6. *Видеркер М.А., Заживнова О.А., Романов В.В.* Применение технологии скринкастинга в разработке электронных учебных пособий. // Образовательные технологии и общество, 2013. – Т.16. – № 1. – С. 429–439.

7. *Петрова С.Н.* Электронное учебное пособие – новый элемент образовательной среды // Педагогическое мастерство: теория и практика: Электронный сборник научных статей I Всероссийской заочной научно-практической конференции в 2 томах: Том 2. Тольятти: Тольяттинский политехнический колледж, 2018. – С. 245–251.

8. *Краснова Г.А., Беляев М.И., Соловов А.В.* Технологии создания электронных обучающих средств. – Москва: МГИУ, 2002. – 304 с.

9. Электронная библиотека [Электронный ресурс]. URL: http://www.dissercat.com/content/teoriya-i-metodika-obucheniya-pedagogicheskoi-tekhnologii-v-sisteme-nepreryvnogo-professiona. (Мурожаат этилган сана: 04.05.2020)

10. *Григорьев С.Г., Гриншкун В.В., Макаров С.И.* Методико-технологические основы создания электронных средств обучения. – Самара: Издательство Самарской государственной экономической академии, 2002. – 110 с.

11. Все для начинающего блогера. [Электронный ресурс]. URL: https://altacademic.ru/camtasia-studio-znakomstvo/ (дата обращения: 29.02.2020)

POSITIVE IMPACT OF VIDEO CLASSES ON LESSON EFFICIENCY AND NECESSARY RECOMMENDATIONS

M.SH.Rahmonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 6(50). 79–89.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *technical teaching instruments, IT technologies in education, video lessons, video education, video script, oral speech, audio, video software, Camtasia Studio, video editing.*

In the education system of Uzbekistan, the new generation of textbooks, especially textbooks in computer science, has become a very problematic task today. In creating a new generation of textbooks, attention is paid to 3 important aspects. The first is a new approach to the textbook, i.e. a change in the content, the creation and updating of the content of the textbook, taking into account the requirements of today's labour market. A second aspect is a practical approach, which focuses mainly on practical exercises, the development of independent work skills in the division of topics. The third aspect is the ease of reading the textbook, that is, it is prepared using animated, audio, video information using digital technologies.

There are many software tools available today for making video lessons, the most popular and simple one is Camtasia Studio. This article explains the need to pay attention to the following most important tips when preparing a video tutorial. We describe these recommendations in short sentences.

1) Prepare a scenario in advance for the video lesson. The purpose of the script is to take into account the factors that attract the attention of the user (reader), to scientifically state the main information on the topic in a short time, to correct speech to avoid using excessive sentences, to prepare a list of props and tools to pay attention to during the video session.

2) It is necessary to strictly follow the time schedule during the length of the video lesson, otherwise, the student will be tired and bored. Because, today the concentration of attention of young people, the limit of patience has deteriorated a bit. It is recommended that the duration of the video session be 5-10 minutes. Depending on the size of the study topic, video tutorials can be prepared in several parts.

3) Audio information in video lessons. This is one of the important conditions of video training and is a factor influencing the quality of training. That’s why good, quality sound is required, just like announcers on TV. We also recommend external microphones for voice recording. The quality of sounds recorded on a laptop itself or on headphones will be much worse. Correction of pronunciation in speech is also an important condition, which requires complete and quality pronunciation of words.

The article describes the conveniences of Camtasia Studio. Advantages of Camtasia Studio:

- Full or partial video recording of the computer screen. Achieve high-quality video recording;

- Ability to use various tools (pencil, rectangular, elliptical separation of the area, painted rectangular and elliptical separation, arrows, lines) to capture the user's attention

during video recording using the module ‘Screen Draw’;

- Give various effects, sounds to the mouse pointer on the screen;

- Professional editing of the received video recording (screencast recording).

References:

1. Timoshenkova, O.A. (2013) Ispolzovanie video-posobij na urokah kak element povysheniya kachestva professional'nogo obrazovaniya [Using video tutorials in lessons as an element of improving the quality of professional education]. *Psihologiya i pedagogika: metodika i problemy prakticheskogo primeneniya.* No 34. Pp. 114-117.

2. Toloknov, A. *(2010) Camtasia Studio 7 Podrobnoe rukovodstvo* [Camtasia Studio 7 Detailed Guide]. Screen-Camera.Ru.

3. Rahmonov, M.Sh.(2016) Camtasia Studio dasturida elektron darslar yaratish texnologiyasi [Technology of creating electronic lessons in Camtasia Studio]. Andijan: Andijan davlat universiteti.

4. *Rahmonov, M.Sh., Ziyadullayev, D.* (2016) Ta’lim tizimida skrinkasting texnologiyalarini qo‘llash [Application of screencasting technologies in the education system]. T*oshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari jurnali.* No 3(8). Pp.11-14.

5. Chernova, E.P. (2018) Osobennosti primeneniya tekhnicheskih sredstv pri organizacii processa obucheniya [Features of the use of technical means in the organization of the learning process]. Pedagogicheskoe masterstvo: teoriya i praktika: Elektronnyj sbornik nauchnyh statej I Vserossijskoj zaochnoj nauchno-prakticheskoj konferencii v 2 tomah [Pedagogical skills: theory and practice: Electronic collection of scientific articles and the All-Russian correspondence scientific-practical conference in 2 volumes]. Vol. 2. Tol'yatti: Tol'yattinskij politekhnicheskij kolledzh.Pp. 569-576.

6. Viderker, M.A., Zazhivnova, O.A., Romanov, V.V. (2013) Primenenie tekhnologii skrinkastinga v razrabotke elektronnyh uchebnyh posobij [Application of screencasting technology in the development of electronic textbooks]. *Obrazovatel'nye tekhnologii i obshchestvo.* Vol. 16. No 1. Pp. 429-439.

7. Petrova, S.N. Elektronnoe uchebnoe posobie – novyj element obrazovatel'noj sredy [Electronic textbook is a new element of educational environment]. Pedagogicheskoe masterstvo: teoriya i praktika: Elektronnyj sbornik nauchnyh statej I Vserossijskoj zaochnoj nauchno-prakticheskoj konferencii v 2 tomah [Pedagogical skills: theory and practice: Electronic collection of scientific articles and the All-Russian correspondence scientific-practical conference in 2 volumes]. Vol. 2. Tol'yatti: Tol'yattinskij politekhnicheskij kolledzh. Pp. 245-251.

8. Krasnova, G.A., Belyaev, M.I., Solovov, A.V. (2002) *Tekhnologii sozdaniya elektronnyh obuchayushchih sredstv* [Technologies for creating e-learning tools]. Moscow: Izdatel'stvo Moskovskogo gosudarstvennogo industrial'nogo universiteta.

9. Elektronnaya biblioteka [E-library]. [Online]. URL: http://www.dissercat.com/content/teoriya-i-metodika-obucheniya-pedagogicheskoi-tekhnologii-v-sisteme-nepreryvnogo-professiona. (date of access: 04.05.2020)

10 Grigor'ev, S.G., Grinshkun, V.V., Makarov, S.I. (2002) Metodiko-tekhnologicheskie osnovy sozdaniya elektronnyh sredstv obucheniya [Methodological and technological foundations of creating electronic teaching aids]. Samara: Izdatel'stvo Samarskoj gosudarstvennoj ekonomicheskoj akademii.

11. Vse dlya nachinayushchego blogera [Everything for a beginner blogger]. [Online]. URL: https://altacademic.ru/camtasia-studio-znakomstvo/ (date of access: 29.02.2020)

Муаллиф ҳақида маълумот:

Раҳмонов Мирзохид Шавкатович – Андижон давлат университети Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: mrs197301@mail.ru